XALQ DEPUTATLARI JONDOR TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 15 - avgust VI-63-145-2-35-K/22 Jondor tuman hokimligi

Жондор тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган ҳисобидан маблағларни йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунинг 20-моддаси, Жондор тумани молия бўлимининг 2022 йил 15 июлдаги 01-06-246/20-01-38/96-сонли билдиргисига асосан Жондор тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган ҳисобидан маблағларни йўналтириш тўғрисидаги таклифини инобатга олиб, Халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағлар илова мувофиқ йўналтирилсин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ҳ.Мажитов), туман ҳокимлиги молия бўлими мудири (У.Янгиев) билан биргаликда:

мазкур қарорда кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш учун туман ҳокими фармойиши лойиҳаларини бир ҳафта муддатда тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш;

ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижалари кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсин.

3. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари Жондор тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси (Ш.Бобоев) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ҳ.Мажитов)лар зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **С.Ҳикматов**

Xalq deputatlari Jondor tuman
Kengashining
2022 yil 15 avgustdagi
VI-63-145-2-35-K/22-son qaroriga
1-ilova

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукмати қарорларига асосан маҳаллий бюджетнинг қўшиимча манбалар ҳисобидан ажратилиши белгиланган тадбирларни 2022 йил 2-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан молиялаштириш юзасидан

ТАКЛИФ

Т.Р	**Тадбирлар номи**	**Ажратиладиган маблағ миқдори (минг сўмда)**	**Ташкилот номи**
1	Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га	128 400,0	Туман ҳокимлиги
2	Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасига	64 200,0	Молия бўлими
3	Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасига	64 200,0	Молия бўлими
4	Маҳалла фуқаролар йиғинларини раҳбатлантириш жамғармасига	12 840,0	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимига
5	Дарахт ва буталарнинг зараркунандалар ҳамда касалликларига қарши курашиш тадбирларига	8 560,0	Ободонлаштириш бошқармаси
	Жами	**278 200,0**	